



Шукух

ЎЗБЕКИСТОН ОСОЙИШТАЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Бошланиши 1-бетда

Байрамга келган ҳар бир иштирокчи қадам ташлаганида, шу куннинг қанчалик муҳим ва масъулиятли эканини ҳис қилган, ёшлар кўзларида Ватан ҳимоячиларига нисбатан ҳавас ва қизиқиш, катталар юзларида эса бугунги тинчлик ва барқарорликни сақлаб келган қаҳрамонларга чўқур меҳр ва ҳурмат намоён эди.

Дарҳақиқат, ушбу сана нафақат ҳарбий хизматчиларни эъзозлаш кунини, балки миллий бирлик ва давлат мустақиллигини англаш, ҳар бир фуқарода Ватанга садоқат ва масъулият туйғусини уйғотиш фурсатидир. Байрамнинг аҳамияти шундаки, у тарих ва келажақ, шахс ва миллат, матонат ва фахр ўртасидаги боғлиқликни янада яққол кўрсатди. Санъат саройи майдонида тўпланган иштирокчилар кўзлари умид ва фахр билан ёруғланди, юзлари шодлик ва эҳтиромга тўлди, қалбларда эса миллий тафаккур ва масъулиятнинг чўқур сингдирилгани сезилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари, сенаторлар, депутатлар, Миллий гвардия, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирилари, Давлат хавфсизлик хизмати, ДХХ Чегара қўшинлари, Божхона қўмитаси ва бошқа ҳарбий соҳа, ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари, фахрийлар, ҳарбийларнинг ота-оналари, оила аъзолари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси

мудофаа вазири, генерал-лейтенант Шухрат Холмухамедов ўқиб эшиттирди.

Байрам табдирида ҳарбийлар томонидан намойиш этилган чиқишлар жанговар санъат, техника ва руҳий тайёргарликни уйғунлаштириб, Ватан ҳимоячилари кунининг ҳақиқий маъносини ёрқин кўрсатди. Таниқли санъаткорлар, ҳарбий оркестр ва бадий жамоалар ижросидаги она Ватанини улуғловчи қўшиқ ва рақслар эса байрам муҳитини янада дилбар қилди, иштирокчилар қалбида фахр ва ҳурмат туйғусини уйғотди. Ҳар бир иштирокчи байрамнинг муҳим маъносини, Ватан ҳимоячилари ва армия билан халқнинг бирлигини, давлат мустақиллиги ва тинчлик қадриятларини чўқур ҳис қилди.

Ҳар бир давр Ватан ҳимоячисига ўз талабини қўяди. Бугунги шиддатли, мураккаб ва беқарор дунёда бу талаб янада масъулиятли тус олди. Бугун ҳарбий қудрат фақат техника ёки сон билан ўлчанмайди. Замонавий армия, аввало, рух ва тафаккур армиясидир. Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан йўллаган байрам табригидея ана шу ҳақиқат алоҳида фалсафий мазмун билан эътироф этилди.

Шу маънода, байрам табригидея ҳарбий хизматчининг шахсий тайёргарлиги, ички дунёси ва маънавий устунилиги масаласи марказга чиқарилди. Хусусан, Президентимиз табригидея: “**Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий тарқибнинг билим ва малакаси, прода ва**

қатъияти, ўзига бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади”, дея қайд этилди.

Бу фикр замирида чўқур ҳаётий ҳақиқат мужассам. Тарих шундан далолат берадики, энг мураккаб синовлар палласида ҳал қилувчи омил техника эмас, балки инсон омилдир. Ирода, қатъият ва ўзига ишонч йўқ жойда энг замонавий қурол ҳам ожиздир. Шу боис, ҳарбий тайёргарлик жисмоний чиниқлиш билан бирга руҳий ва маънавий баркамолликни ҳам талаб қилади.

Байрам табригидея алоҳида урғу берилган яна бир муҳим масала — армия ва халқ бирлиги масаласидир. Унда ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия — бир тану бир жон эканини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини ҳис қилиши ва шундан чексиз куч, рух ва мадад олиши кераклиги таъкидланди.

Ҳарбий хизматчи ўзини ёлғиз эмас, балки бутун халқнинг ишончи ва дуосига сунган ҳолда ҳис қилганида унинг масъулияти ҳам, матонати ҳам бир неча баробар ортади. Халқ ва армия ўртасидаги ана шундай маънавий боғлиқлик жамиятнинг ҳар қандай ташқи ва ички таҳдидлардан муҳофаза қилишга қодир кучга айлантиради.

Янги Ўзбекистон шарафидея Ватан ҳимоячиси — фақат буйруқ бажарувчи эмас, балки онгли, мустақил фикрлайдиган, халқ тақдирини учун масъул шахсдир. У тинчликни оддий ҳолат эмас, балки асраб турилиши лозим бўлган бебаҳо неъмат сифатида қабул қилади. Ана шу англам эса кучли рух, мустаҳкам ирода ва халқ ишончидан озиқланиди.

Бир сўз билан айтганда, 34 йиллик тарихга эга миллий армиямиз нафақат қудратли ҳарбий тузилма, балки халқ ва давлатни бириктирувчи маънавий таянчга айланди. Жанговар рух, жисмоний тайёргарлик ва 38 миллионлик халқ ишончи уйғунлашган жойда эса янги Ўзбекистоннинг тинчлиги ва барқарорлиги ишончли қўлларда экани шубҳасиз.

Тантанали таббирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Қонуничилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Бош вазир Абдулла Арипов иштирок этди.

Сардор ТОҒЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

эскирган бўлиб, доимий таъмирлашни ёки модернизацияни талаб қилар, бу эса бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигига бевосита таъсир кўрсатарди. Оқибатда миллий мудофаа саноати мустақил ва мақсадли ривожланган тармоқ эмас, балки ташқи манбаларга боғланиб қолган анча қолоқ соҳа эди.

2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан миллий армиямизда бошланган тизимли ва чўқур ўйланган ислохотлар тўб бурилиш нуктаси бўлди. Бутун соҳа узоқ муддатли ва замонавий стандартларга асосланган, ҳар томонлама янгиланишлар босқичига кирди.

Миллий Қуролли Кучларимизни ислох этиш, ҳар томонлама модернизация қилиш, босқичма-босқич замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, тинчлик, хавфсизлик ва мамлакатнинг фаровон келажагини таъминлашга хизмат қиладиган янги армияга айлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар қўрилди.

Қуролли Кучларни тезкор бошқариш самарадорлигини ошириш, қўмондонлик ва мувофиқлаштиришнинг замонавий тамойилларини жорий этиш, шунингдек, қўшинларни энг янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан изчил таъминлаш ушбу ўзгаришларнинг асосини ташкил этди.

Инсон омилига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахсий таркибни маънавий-психологик тайёрлаш, мустаҳкам, кучли, жанговар руҳни шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг масъулияти ва касбий ривожланиши борасидаги ёндашувлар қайта кўриб чиқилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлиги изчил оширилмоқда, мудофаа саноати салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Мудофаа вазирлиги қўшинларига янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробар оширилди, учувчисиз учтиш аппаратлари бўлинмалари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Ватан ҳимояси ва Қуролли Кучлар салоҳияти мамлакат тараққиётининг мустаҳкам пойдеворидир. Кучли, замонавий ва маънавий баркамол армияга эга давлат ҳар қандай таҳдидга қарши тура олади. Ватанин севish ва ҳимоя қилишга тайёр туриш ҳар бир фуқаронинг олий бурчи.

МАРД ВА ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИМИЗ — ТИНЧЛИГИМИЗ ТАЯНЧИ

Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар доктори, профессор

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч, уни адо этиш эса мардлик, садоқат ва фидойиликни талаб этади. Ўзбекистон Қуролли Кучлари хизматчилари замонавий билим ва малакаларга эга. Уларнинг жасорати, интизоми ва Ватанга муқаббатини ёш авлод учун ибрат мактаби бўлмоқда.



жасида бугунги Ўзбекистон ёшлари Қуролли Кучлар сафидея хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи, балки энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилади.

Кейинги пайтларда Қуролли Кучларга муддатли ҳарбий хизматга қақриш танлов асосида ўтказилаётгани бунга яққол далилдир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётгани йўқ; ҳам жисмонан, ҳам маънан чиниқиб, қатъий ирода ва ҳаётий позицияга эга бўлмоқда.

Армиянинг халқимиз билан бирлиги таъминланиб, замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, яхши тайёрланган, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал қилишга қодир миллий армиямиз шаклланди.

Эътиборлиси, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди. Таълим жараёнига ўқитишнинг илгор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 13 январь кунини бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш

бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланаётгани, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси изчил ошириб борилаётгани, мудофаа саноатининг салоҳияти мустаҳкамланаётгани ургуланди.

Йиғилишда замонавий хавф ва таҳдидларнинг мазмуни ҳам, қўламини ҳам кундан кунга ўзгариб бораётгани, мудофаа ва хавфсизлик соҳаси олдида катта вазифалар қўйилаётгани инобатга олиниб, саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келгани кўрсатиб ўтилди.

Ушбу ҳужжатлар ҳарбий ва миллий хавфсизликни таъминлаш соҳаларида мамлакатимизнинг принцип ва ёндашувларини белгилайди. Чунки бугунги замонавий талаб ва ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ушбу ҳужжатларни янгиллаб бориш давр талабига айланди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлакатимизнинг ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолишини, қўл томонлама дипломатияга таянишда давом этишини, юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақавий барқарорлик йўналишида ривожланишни таъминлайди. Ўнг муҳими, у миллий армиямизни технологик янгиллаш ва илгор ҳарбий ечимларни жорий этиш учун асос бўлади.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимизнинг жанговар шайлиги, нуфузи йилдан йилга ортиб бораётгани халқаро майдонларда ўтказилаётган мусобақаларда ҳам кўзга яққол ташланади. Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоалари Халқаро армия ўйинларида бир неча йилдирки, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани эътиборга молик.

Бугунги кунда ҳарбийларимиз профессионал тайёргарлик даражаси бўйича жаҳондаги етакчи мамлакатлар армияларининг ҳарбий хизматчиларидан асло қолишмаслигини сўзда эмас, амалда исботламоқда. Улар маҳорати, руҳан бақувватлиги, ғалабага иродасини намоён этган ҳолда, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканини яққол кўрсатапти.

Хулоса ўрнида айтганда, Ватан — муқаддас даргоҳ. Уни ҳимоя қилиш, равнақли ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш, тинчлигини қўқ қорачинимиздек асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ЗАМОНАВИЙ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ТИЗИМИ



Амирхон ЭРҒАШЕВ,
Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва ҳарбий ҳаво кучлари ҳарбий қисм командирининг парвозлар хавфсизлиги бўйича ўринбосари, подполковник, “Жасорат” медали соҳиби

Она Ватанини қўриқлаш, кўксини қалқон қилиб асраш шу заминда ҳимоячилари кунини муносабати билан жойларда ўтказилаётган ҳарбий ватанпарварлик табдирларида “Халқ ва армия — бир тану бир жон” деган улуғвор ғоя ўз ифодасини топмоқда. Бу эса ёшларимизнинг армия сафларига она Ватанини ҳимоя қилишдек эзгу мақсадга ишончи, қизиқишини оширишга хизмат қилмоқда.



Мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш Ўзбекистонини ҳар томонлама тараққий этишига доир стратегик ҳужжатларнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Бу борадаги комплекс чора-тадбирлар, биринчи навбатда, халқимиз хавфсизлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратилган.

Сўнгги йилларда қўшинларнинг тезкорлиги ва жанговар тайёргарлиги бўйича самарадорлик ҳамда сифатини яхшириш учун замонавий шарт-шароитлар яратилиш мақсадида Қуролли Кучлар таркибидея зарур инфратузилмага эга қатор янги полгонлар ташкил этилди. Ушбу объектлар ўқув жараёнида максимал даражада реал шарт-шароитларни яратиш ва ҳарбий хизматчиларнинг

касбий тайёргарлигини изчил ошириш имконини беради.

Энг асосийси, миллий мудофаа саноатини ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Унинг технологик ва ишлаб чиқариш салоҳияти оширишга миллий хавфсизлик ва стратегик мустақилликнинг муҳим жиҳати сифатида қаралади.

Мудофаа саноати нафақат армия эҳтиёжларини таъминловчи, балки иқтисодиётда юқори технологик жараёнларни ривожлантирувчи тармоқ сифатида янги босқичга кўтарилмоқда.

Ҳозирги жараёнда ислохотларнинг асосий босқичларидан бири ҳарбий таълим ва ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини янада такомиллаштиришдир. Бунда “Халқ ва армия — бир тану

бир жон” тамойили амалга оширилмоқда. Унинг доирасида тегишли вазирлик ва идоралар, ҳарбий маъмурий секторлар, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик билан якяндан ҳамкорлик қилинапти.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан “Жасорат” медали билан мукофотландим.

Ватан ҳимояси йўлида босилган ҳар бир қадамнинг, албатта, эътирофи бўларкан. Бу эътибор кучинга куч, шижоатига шижоат қўшиди. Ушбу мукофотни нафақат меннинг, балки мен хизмат қиладиган ҳарбий қисм, унинг ҳар бир фидойи ҳарбий хизматчисининг ютуғи деб биламан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёев 13 январь кунини Хавфсизлик кенгашининг мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлиги ва мудофаасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида ҳарбийлар учун қатор имтиёз ва рағбатларни эълон қилди. Хусусан, шу йил 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устама миқдори 2 қарра оширилди. Контракт асосида хизмат қиладиган оддий аскар ва сержантларнинг ойлиги 10 фоиз кўпайтирилди.

Ҳудудий мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлинмаларининг ҳарбий бўлмаган хизматчиларининг ойлиги бу йил 20 фоиз, келаси йили яна 50 фоиз оширилди. Қуролли Кучлар сафидея 30 йилдан ортқ хизмат қилган ҳарбийлар учун пенсия ҳисоблашда инобатга олинадиган ойлик миқдори 75 фоиздан 100 фоизга етказилади. Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар учун уй-жой қурилиши кенгайтирилди.

Албатта, бундай ғамхўрлик биз — ҳарбийларни мақсад сари интилиш, ҳаракат қилишга ундайди, янги-янги марралар сари руҳлантиради. Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистоннинг замонавий Қуролли Кучлар тизими қатъий интизом, билим ва маънавий баркамоллик тимсолига айланмоқда. Унда ватанпарварлик ва жасорат она диёримиз тарихи, қаҳрамон аждодларга ҳурмат, ҳарбий хизматга масъулият муҷассам.



ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИК, СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонига биноан “Шуҳрат” медали билан тақдирландим.

Бу мукофот Ватан ҳимоясидек шарафли ва муқаддас ишни бажариш йўлида қиладиган хизматига берилган юксак баҳо, қолаверса, Ватан олдидаги бурчимни бундан буён ҳам садоқат билан адо этишимда куч бағишлайди.

Қуролли Кучлар ҳар қандай замонавий давлат учун тинчлик, суверенитет ва барқарор ривожланишни таъминловчи асосий омилдир. Айнан армия ҳудудий яхлитлик, сиёсий барқарорлик ва фуқароларнинг осойишта ҳаётини кафолати сифатида иқтисодий ривожланишнинг доимийлигини таъминлайди ҳамда келажақда ишончли мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшади.

Кучли, профессионал ва ҳар томонлама пухта ташкил этилган Қуролли Кучларимиз миллий хавфсизликнинг мустаҳкам пойдевори сифатида мамлакатимизнинг халқаро обрўсини оширишга хизмат қилади.

2017 йилгача Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида қатор муаммолар тўпланиб



Жаҳонгир ЭЛИЕВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисм техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш пункти бошлиги, катта сержант, “Шуҳрат” медали соҳиби

қолганди. Мамлакат ҳудудидея ривожланган ва ҳарбий инфратузилма деярли йўқ эди. Профессинал ва малакали кадрлар етишмасди. Қўмондонлик ва офицерлар таркибининг катта қисми чекланган ресурслар шарафидея малака ошириш ва тизимнинг ривожланиши учун етарли имкониятлар бўлмаган ҳолда ишларди.

Моддий-техник база, технологик таъминот борасида ҳам жиддий муаммолар кузатилган. Қурол ва ҳарбий техникалар ҳар томонлама

ВАТАН СЕВАРЛИК

ИНСОН ҚАЛБИДА, ЮРТГА МЕХР ТИМСОЛИДА ИЛДИЗ ОТИБ, СЎНГ АМАЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНАДИ



Салим ДОНИЁРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

Бошланиши 1-бегда

Сир эмас, биз ватанпарварлик туйғуси жиддий синовдан ўтаётган даврда яшапмиз. Ҳозир турли зиддиятлар кенгайиб, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, халқро ҳуқуқ нормалари ва дипломатия заифлашиб бормоқда. Қолаверса, мамлакатларга ҳужум шакллари ҳам тубдан ўзгарди. Буни давлатимиз раҳбари ҳам таъкидлаб, шундай деди: **“Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Энди қайси давлат фақат танк, самолёт ёки аскарлар сонига таяниб галаба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жанглар сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узоқ масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим асосида олиб боришмоқда”**.

Даврининг ўзи ана шундай хаттарларга доим тайёр туришни талаб этмоқда. Бу ҳозирлик, аввало, инсон қалбида, юртга меҳр тимсолида илдиз отиб, сўнг амалий ҳаракатга айланади. Яъни ёшлар юртга садоқат билан энг қиммат бойлигимиз бўлган тинчлик ва хотиржамликни асраш, уни қадрлаш руҳида ўсиши керак. Ана шу руҳият, кайфият бирлашиб амалий ҳаракатга, бутун изчил давом этиб, барқарор сақлаб турилган мамлакат мудофасини янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз ўтказган йиғилишда бу борада аниқ вазифалар белгилаб олинди. Биргина мисол, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилишга жиддий эътибор берилди. Бу, ўз ўрнида, армиянинг янги қиёфасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Барча соҳа бевосита инсон капитали билан юксалиши ҳеч кимга сир эмас. Янги Ўзбекистондаги инсон қадрини улуғлашга қаратилган инсонлоқлар туб замиридаги мақсадлардан бири ҳам инсон капиталини оширишдир.

Келинг, буни соддароқ тушунтираск. Тарихда кам сонли аскарлар билан катта қўшинларни мағлуб этганлар ҳақида мисоллар кўп. Уларнинг галаба қилишида иккита умумийлик бор, назаримда. Булар жасурилик ва бошқалар кутмаган, янги режа асосида иш кўриш. Жасурилик ҳам худди билим каби эгалланадиган кўникма. Бу ҳақида кейинроқ тўхталамиз. Худди шунингдек, янги режа ишлаб чиқиш ҳам билим даражаси, тафаккур кенглиги билан боғлиқ. Ҳа, бутун ёндашувлар, таъсир кучлари, ҳужум турлари ўзгарди. Шунга яраша ҳимоя воситалари ва йўллари ҳам турлича. Аммо бу ҳимоянинг ўқилдизин, асл муҳити ўзгаргани йўқ.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куну муносабати билан байрам табригида **“Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳи ва жисмоний тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Чунки ҳар қандай курашнинг тақдирини шахсий таркибининг билим ва малакаси, ирода ва қатъияти, ўзинга бўлган ишончи, мардона фазилатлари ҳал қилади”**, дея айтиш ҳақиқатини айтиди.

Юқорида жасурилик ҳам худди билим каби эгалланадиган кўникма эканини айтдик. Инсоннинг билими кўпайиб, имкониятлари кенгайиб бораверса, ўзинга бўлган ишончи янада мустаҳкамланади. Айтиш давом жасурилик ҳам олиб боради. Янги Ўзбекистондаги ислохотлар инсон тафаккурини юксалтириш, кенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятли. Ислохотларнинг илк кунларидан бошлаб, бутунгача изчил давом этаётган янгиланишлар фикрини эслатилади. Китобхоналик давлат сиёсати даражасида тарғиб этила бошланди. Тадбиркорлик реал имтиёз ва имкониятлар соҳасига айланди. Ижтимоий кўмак билан бирга иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун касбу ҳунару ўргатишга жиддий эътибор берилди. Тан олайлик, буларнинг барчаси ижобий кайфият уйғотди. Эртанги кунга ишонччи

мустаҳкамлади. Бундай ишонч, кайфият жасурилик деган туйғуну камол топтиради. Ватанпарварликни мустаҳкамлайди.

Қувонарлиси, ушбу ислохотлар янги босқичда, давр талабига мос тарзда миллий армиямизда ҳам изчил давом этмоқда. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида муддатли ҳарбий хизмат фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши зарурлиги қайд этилди. Унга кўра, энди армияда ёшлар камиди битта касб эгаси бўлиб чиқади. Бунинг учун ҳарбий қисмлардаги йўналиш ва мутахассисликлар асосида аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни яқунлаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилди.

Эътиборлиси, аскарлар “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади. Бунинг учун ҳар йили 5 минг аскар саралаб олинади. Яна бир янгилик, аскарлар муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган пайтда олийгоҳга ўқишга кириши мумкин. Бунинг учун ҳарбий қисмнинг ўзида имтиҳон топириши имконияти яратилади. Талабалика қабул қилинган аскар хизматини яқунлаши билан ўқилиши бошлайди. Шу йўсин вақтдан ютади. Ҳарбий хизмат том маънода имкониятлар эшигига айланади. Булар, ўз ўрнида, миллий армиямизнинг салоҳиятини ошириши айна ҳақиқат.

Кичик бир мулоҳаза. Яқин-яқингача биз дастурлашни, умуман, АТ соҳасини келажак касблари рўйхатида кўрардик. Бутун улар энг долзарб, ҳозирнинг ўзида пухта эгалланиши шарт бўлган билимга айланди. Шу маънода, аскарларнинг “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилиши эртанги кунимизни белгилаб берадиган воситалардан бири дейиш мумкин.

Мамлакат дахлсизлигини сақлашда иқтисодий қувват, ҳарбий салоҳият қанча муҳим бўлса, жамият бирдамлиги, инсон капитали ҳам шунча долзарб. Тарихдан ҳам, бутунги сиёсий жараёнлардан ҳам билиямизки, ичидан емирилган жамиятларни пароканда



Бунинг учун улуғларнинг инсонпарварлик гоҳсини жамиятда кенгроқ тарғиб этишмиз керак. Уларни содда, ҳаммага тушунарли сўзлар билан етаклаш зарур. Ҳазрат Навоий бобомиз:

Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиг,
ёр ўлунг бир-бирингизгаким,

деган эди. Бундан ташқари, Ҳазрат Навоийнинг ана шу гоҳини тарғиб этадиган яна кўплаб ҳикматлари бор. Уларни бутунги кун ўқувчисига тушунарли қилиб, таъсирчан ҳолда етаклаш зарур. Бундай ҳикматларни тушуниш, англаш биринчи босқич бўлса, уларга амал қилиш энг муҳим вазифадир.

Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг илк кунлариданоқ айнан шунга қаратилган ислохотлар бошланган эди. Энди мазкур янгиланиш армиямизга ҳам чуқур кириб борадиган бўлди. Шу мақсадда ҳарбий хизматчилар орасида китобхонлигини кенг тарғиб этишнинг янги босқичи бошланди. Яъни

ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИ КУЧЛИ БЎЛСА, ИНСОН ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ ШАРОИТДА ЯШАСА ҲАМ ЮРТИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ТОПАДИ. ИМКОН ҚАДАР УНГА НАФ КЕЛТИРАДИ.



Биринчиси — ҳарбий салоҳият. Кўрғон мустаҳкам бўлса, юрт ичидagi ислохотлар барқарор давом этади.

Иккинчиси — иқтисодий барқарорлик. Иқтисод қанча мустаҳкам бўлса, бошқалар сиз билан шунча кўп ҳисоблашишга тўғри келади.

Учинчиси — инсон капитали. Қайси мамлакатда малакали кадрлар кўп етишиб чиқса, халқро майдонда ўша халқ билан қўлини кўксига қўйиб саломлашилади. Негаки, юқори малакали кадрлар, аввало, мамлакат барқарорлигини таъминлайди. Қолаверса, халқро иқтисодиёт, хавфсизлик каби муҳим соҳаларда ҳам таянч нуқта ҳисобланади. Бунда ўша халқнинг нуфуси кўп бўлиши билан бирга юқори интеллектдаги мувозанат жуда муҳим масалалардир.

Тўртинчиси — ҳарбий салоҳиятни, барқарор иқтисодиётини, малакали кадрлар синфини қамраб олган ватанпарварлик руҳидир. Ватанпарварлик руҳи кучли бўлса, инсон қаерда, қандай шароитда яшаса ҳам юртга хизмат қилиш йўлини топади. Имкон қадар унга наф келтиради.

Юқорида юксак жамият, турфа қарашлар Ватансеварлик деган нуктада бирлашишини айтган эдик. Мақолаимиз аввалида юртни яхши кўриш жами тирикликка бегона эмаслигини ҳам таъкидлаганимиз. Инсон бошқа жонотлардан фарқи ўлароқ, бу туйғуну онгли равишда ҳис қилади. Шу боис, у гоҳида бу туйғуну нутиб қўйиши эҳтимолли бор. Ҳаним бостириб келаятганда уларга ёрдам берган кимсалар гоҳида жонини сақлаб қолишни ўйлаган бўлса, баъзан ҳаётдан рози бўлмагани сабаб ҳатога йўл қўйган. Бунга дунё тарихида исталганча далил топилади. Шу маънода, мамлакатимиздаги одамларни рози қилишга қаратилган ислохотлар бизни гоҳ севинтиради.

Айниқса, кейинги йиллардаги янгиланишлар сабаб кўплаб ижтимоий масалалар ҳал этилди. Камбағиллик расман тан олинди ва қисқа муддатда кескин қисқартиришга эришилди. Яхшилик, эзгу амаллар кўп бўлса, уларнинг самараси ҳам шунчалик ҳаётбахш бўлади. Юртимизда бошланган ислохотлар аввал халқимиз қалбига, сўнг ён-атрофдаги қўшинларга тарқала бошлади. Мамлакатимиз етакчилигини халқпарварлик, тенг дипломатияга асосланган маърифий сиёсати сабаб қўшинлар билан ҳам, дунёнинг бошқа мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз юқори даражага чиқди.

Аввало, Марказий Осиё руҳи уйғотди. Ягона минтақа, бир бутун кучга айландик. Бунда янги Ўзбекистондаги ислохотлар, маърифий сиёсатимизнинг ўрни ва аҳамияти муҳим эканини қўшнилар билан ҳам тан олиб эътироф этмоқда. Ҳа, биз кечагидай ичидан зил кетиб, парчаланиб ётган халқлар эмасмиз. Марказий Осиё бутун бир бутун бўлиб янги кучга айланиб бораётти. Демак, буни янада мустаҳкамлаш ҳақида ўйлашимиз, шунга хизмат қиладиган амалларимизни кўпайтириш керак. Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган берилган вазифалар, жорий йилда жамиятимизни юксалтириш борасида бажариладиган ишлар айнан шунга хизмат қилиши шубҳасиз.

Президентимиз Ўзбекистон армияси халқимизни, юртимиздаги тинчлик-осойишталикни ҳимоя қилишга доим тайёр туришни кераклигини, тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойлика айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, бутунги ўзгаришлар замони ҳар биримиздан ана шу ҳушёрлигини, ҳақиқий, чин маънода ватансеварликни талаб қилмоқда. Ҳа, бутунги ва эртанги ҳаётимиз, пойдевори мустаҳкам келажакимиз ўзгичилигини, миллий тараққиётимиз ва сарҳадларимиз дахлсизлигини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳодисадир. Зеро, “Тинч элнинг боғи гуллар” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Янги Ўзбекистон боғи доим гуллаб, яшнаб тураверсин!



қилиш осон. Шу боис, биз доимгидан ҳам кўра кўпроқ ватанпарвар бўлишимиз керак. Фарзандларимизни илмли қилиш билан бирга уларнинг тафаккури, дунёқарашини билан ҳам қизиқишимиз зарур. Улар нима ҳақида ўйлайпти, кимлар, қандай фикрлар таъсирда юрибди деган саволларга аниқ жавобимиз бўлиши зарур.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳат. 2026 йил мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятнинг юксалтириш йили” деб номланди. Хўш, жамият қачон юксалади? Қандай ривож топади? Аввало, жамиятда соғлом фикр устуворлик касб этиши керак. Чунки эзгу ният соғлом фикрга замин яратади. Эзгу фикр эса эзгу амал сари бошлайди. Турли зиддиятларга қарши тура олиш учун жамият битта гоҳ атрофида бирлашиши керак. Ана шу бирдамлик турфа фикр ва қарашларни ўзида жамлаган ягона тушунча, Ватанини севиш, унга хизмат қилиш деган гоҳини ўртага ташлайди.

Бўлаётган жараёнлар, бизни ўйлантираётган масалалар миллий контент масаласи ҳеч қачон долзарблигини йўқотмаслигини ҳам англаётяпти. Шу ҳақида ўйлаганимда, беихтиёр Навоий бобомиз даҳоси кўз олдимга келди. Навоий бор ижодини тинчликка, инсонийликни улуғлашга сарф этди. Бизга инсонга инсондай муносабатда бўлиш кераклиги ҳақида сабоқ беради. Бу даҳонинг ўзи ҳам бунга оғишмай амал қилди. Бутун инсониятга эзгулик фанидан сабоқ берган бундай даҳоларга доимгидан ҳам кўра кўпроқ эҳтиёж бор. Ана шу эҳтиёжини айнан зиёлилар, жамоат фаоллари қоплаши керак бўлади.

жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 миллион нусхадаги бадийи адабиётлар билан таъминланадиган бўлди.

Бундан ташқари, Қуроли Кучлар тизимидаги ҳарбийга йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танловини йўлга қўйлади. Оқруқ қўмондонлик, вазирлик, Олий Бош Қўмондон танловларида ғолиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилди.

Тан олиш керак, шу вақтгача ҳам ҳарбийларни китобхон қилиш борасида қатор ишлар бажарилган. Оддий мисол, ўзимиз ҳам журналист, китобхон сифатида ҳарбийларнинг билан қўришганимиз. Китобхонликни тарғиб этадиган тадбирларда қатнашганимиз. Бошланган ўзгаришлар буни янги босқичга олиб чиқади. Юқорида айтганимиз, инсонпарварлик гоҳсини англаб, унга оғишмай амал қилиш йўлини юлдуз бўлади.

Билимизки, аллалар, халқ қаҳрамонлари ақлини таний бошлаганида уларга энг кучли устозлар сабоқ беришни бошлаган. Улар илм-фан, адабиёт ва санъат билан бирга ҳарбий машқларни ҳам пухта ўзлаштирган. Ана шундай сабоқ сабаб улар ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб ўлғайган. Ватанини ҳимоя қилдиган алп бўлиб тарбия топган.

Уша вақтларда от чопиш, ўқ узиш, қилич-бозлик муҳим бўлган. Ҳозир замонавий алплар қўйиладиган талаб ўзгарган. Шундан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчилар ўртасида жорий йилдан бошлаб киберспорт, дрон ва

робот технологиялари каби замонавий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади. Бу ҳам юқорида бот-бот такрорлаганимиз инсон капиталини юксалтиришга хизмат қилади.

Йиғилишдаги яна бир муҳим жиҳатга тўхталишни истардим. Биламизки, Ўзбекистон сиёсати кўп қиррали, тинчликка асосланган дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Дипломатиямиздаги муҳим нуқталардан бири миллий армиямизнинг фақат мамлакатимиз учун хизмат қилишидир.

этилганининг 34 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куну муносабати билан байрам табригидаги қўйилган сўзларга эътибор қаратмоқчимиз.

“Ҳар бир ҳарбий хизматчи халқ билан армия — бир тану бир жон эканини, унинг ортида 38 миллионлик халқ тоғдек таянч бўлиб турганини доимо ҳис этиши, шундан чексиз куч, руҳ ва мадад олиши керак”.

Улар бу таянчни реал ҳолатда ҳис этиши учун қатор амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга доир ишларнинг самараси янада оширилади. Уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишлар кучайтирилади. Бу борада давлат ва фуқаролик институтлари ҳамда кенг жамоатчилик фаол иштирок этади.

Қолаверса, ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш учун ҳам қатор янгиликлар қутиляпти. Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирлиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устам микдори 2 қарра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фоизга кўпайтирилади. Бундан ташқари, ҳудудий мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлимларининг ҳарбий бўлмаган хизматчилари ойлиги бу йил 20 фоизга, келаси йили яна 50 фоизга оширилади. Бундай янгиликларни узоқ санаш мумкин. Демократизм, Қуроли Кучларимиз давр талабига мос тарзда янги босқичга олиб чиқилмоқда.

Шу ўринда бир муқояса қилишни ўринли деб ўйладик. Халқро ҳуқуқ қанча заифлашса, ўзаро ҳурмат ҳам шунчалик нозиклашиб бораверади. Бундай вақтда ҳурматни, таъбир жоиз бўлса, ҳайбатни сақлаб қолишнинг бир қанча шартлари бор.

Давлатимиз раҳбари йиғилишда саккиз йил олдин қабул қилинган Мудофаа доктринаси ҳамда 1997 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик концепциясини қайта кўриб чиқиш вақти келганини кўрсатиб ўтди.

Янги Мудофаа доктринаси мамлакатимизни ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолиб, кўп томонлама дипломатияга таянишда давом этади. Уни янгилашдан мақсад юқори технологияларга асосланган стратегия, ҳарбий мустақиллик ва минтақавий барқарорлик йўналишида ривожланишини таъминлашдир. Бу халқимизнинг миллий армиямизга ишончини янада мустаҳкамлайди. Уларнинг бирдамлигини таъминлайди.

Яна бир мулоҳаза. Янги Ўзбекистонда миллий армиямиз том маънода халқимизга яқинлашди. Биз учун сирли, бир оз олис ҳисобланган армия одамлар орасига кириб келди. Яъни оммавий ҳарбий кўргазмали қишлар ташкил этиляпти. Етти ашар ўқувчи ҳам, етмишни қоралган нуронийлар ҳам қуроолар, ҳарбий техникаларни кўздан кечириб, мутахассислардан унинг имкониятлари ҳақида сўраб оляпти. Бундай учрашувлар халқ ва армия ўртасидаги самимий муносабатни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур ўзгаришлар сабаб ҳозир биз армиямиз ҳақида аниқ тасаввурга эгамиз. Улар юрт тинчлигини асрай олишига ишонамиз. Айнан шу ишонч бизга куч бахш этади. Халқнинг баланд руҳи ўз ўрнида ҳарбий хизматчиларга ҳам кўтаринкилик беради.

Шу ўринда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари ташкил





Ривожланган давлатларда ҳар 10 йилда бир маротаба аҳолини, ҳар беш йилда бир марта қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш анъанаси йўлга қўйилган.

Мамлакат тараққиёти йўлида

АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ БОШЛАНДИ

Камола ИСМОИЛОВА,
Миллий статистика қўмитаси
матбуот ва жамоатчилик билан
алоқалар бўлими бошлиғи

Хаёт шахмат доскасига ўхшайди. Аниқ стратегия бўлсагина, ҳар бир саъй-ҳаракатимиз ишончли, режалар тус олади. Шахматдаги ҳар бир фигура ўз вазифасига эга — ҳаракатланиш йўналиши ва имкониятларидан келиб чиқиб одимлайди. Мамлакат миқёсига эса тараққиёт ўзагини аниқ рақамлар ва статистик далиллар белгилаб беради. Келинг, бунинг аҳамиятини ўзим мисолимда соддароқ тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Давлат хизматчиси бўлиш баробарида тўрт фарзанднинг онасидан. Мен учун ҳаётда энг муҳими — болаларимнинг келажаги. Уларни шу миллат ва мамлакат равнақига дахлдорлик ҳиссида, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — энг устувор мақсадим.

Бугун юртимизда бошланган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири жуда муҳим жараён. Чунки мен каби оддий аёллар фарзандларнинг 35-40 ўринли синфда эмас, балки 20-25 ўқувчи орасида таълим олишини хоҳлайди. Картошка ёки сабзи нархи юқорилаб кетмаслиги, турмушида тўкин-сочинлик, хонадонда доимий фойз-барака бўлишдан умидвор. Шунинг учун 15 январдан 28 февралгача давом этадиган аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирида барчани фаол бўлиш, саволларга кўнгил билан тўғри жавоб бериш ва Ўзбекистон келажагига дахлдорлик тўғриси билан ёндашишга қақираман.

Давлатта бизнинг қанча пул топаётганимиз эмас, тўқ яшашимиз муҳим. Ер-мулкимизга дахл қилиш эмас, ҳар бир қарич тупроғимиздан унумли фойдалана олишимизга кўмак бериш афзал. Чекка ҳудудлардаги аҳоли ҳам сув, газ ва электр энергияси таъминоти ҳамда санитария шaroитларига эга бўлиши лозим.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бу — юртда барча бирдек азизлигини ҳис қилиб яшашини таъминлаш, ишсизликни қамайтириш, фаровонлик учун инвестиция жалб этиш, экспорт-импорт ҳажмини тўғри прогнозлаш, стратегик қарорлар қабул қилиш учун жуда муҳим жараён.

Ўзбекистонга бир йил олдин келган меҳмон бутун юртимизни танитай қоляпти. Сабаби, ривожланиш шиддат билан кечмоқда. Ҳар бир жабҳада — ҳоҳ у сиёсий, ҳоҳ ижтимоий-иқтисодий ёхуд маданий-гуманитар соҳада бўлсин, барча йўналишда давлатимиз ўзига хос салмоқли ютуқларга, ижобий ўзгаришларга эришмоқда. Бугун бунинг бутун дунё тан оляпти.

Ривожланган давлатларда ҳар 10 йилда бир маротаба аҳолини, ҳар беш йилда бир марта қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш анъанаси йўлга қўйилган. Халқаро майдонда ҳам ўз нуфузи ва имижига эга бўлиб улгурган Ўзбекистон учун бу ниҳоятда муҳим воқеа. Мамлакатимизда охириги марта 1989 йилда аҳолини рўйхатга олиш умумимиллий тадбири ўтказилган.

Ўтган 35 йилдан ортиқ вақт давомида демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар замонавий талаблар ва халқаро стандартларга мувофиқ аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олишнинг янги босқичини ташкил этиш заруратини пайдо қилди.


Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда аҳолини қандай ҳам 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда рўйхатга олиш тартиби белгиланди. 2021 йилда аҳоли ва 2022 йилда қишлоқ хўжалиги синон тариқасида рўйхатга олинди. Тўлиқ рўйхатга олиш учун зарур техник тайёргарлик, ҳуқуқий асослар ва бошқа омиллар ишлаб чиқилганидан сўнг ушбу тадбир 2026 йилга қўчирилди.

Аҳолини рўйхатга олиш жараёнининг қишлоқ хўжалиги билан уйғун ҳолда амалга оширилиши муҳим стратегик аҳамиятга эга. Бу рўйхатга олиш ҳаражатиини сезиларли даражада қисқартириш, вақтни тежаш ва сўровларни мақбуллаштириш имконини беради. Мазкур ёндашув мамлакатнинг молиявий ва ташкилий ресурсларини самарали бошқаришга хизмат қилади. Шу билан бирга, маълумотларнинг тўлиқлиги ва сифатини оширади.

Рўйхатга олиш жараёни 2026 йил 15 январдан 28 февралгача бўлиб ўтади. Мазкур жараён уч босқичда ташкил этилади. Дастлабки 17 кунда аҳолига интернет орқали маълумотларни киритиш имконияти яратилади. Бунда фуқаролар



census.stat.uz портали орқали OneID тизими ёрдамида рўйхатдан ўтади. Одамлар ўзи ва оила аъзолари тўғрисидаги саволномани мустақил тўлдирishi мумкин. Кейинги бир ойда эса “маҳалла еттилиги” аъзолари иштирокида



мулоқотда бўлиши ва маҳаллий аҳоли эҳтиёжи ҳамда шарoитларини яхши билиши маълумотларнинг сифати, ҳаққонийлиги ва аниқлигини кафолатлайди. Бу ёндашув нафақат иқтисодий тежамкорликни таъминлайди, балки давлат ва жамият ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Бутун дунёда муқобили йўқ бўлган маҳалла институти аҳоли ва давлат ўртасида ишончли кўприк вазифасини ўтайди. Эшик тақиллатиб, “Аҳолини рўйхатга олиш бўйича келдик, маълумотларингизни тақдим қилинг”, дейдиган номаълум шахсларга ҳеч қандай ўзгариш биров маълумот бермайди. Боси, фарибгарлик ҳолатлари ҳам учраб қолishi мумкин. Давлат томонидан ишлаб чиқилган шахсий маълумотлар дахлсизлигига оид пухта чора-тадбирлар натижаси ўларoқ ҳар бир шахс ўзини таниган-билган “маҳалла еттилиги” аъзолари билан ишоним маълумотларни тақдим қилиши мумкин. Шахсга доир маълумотлардан фақат стратегик мақсадларда фойдаланилади, яъни тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳудудлар бўйича яхлитланади.

МУҚОБИЛ ҚУВВАТ — МУНТАЗАМ РАҒБАТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ ЎРНАТИШ ОММАЛАШМОҚДА

Халқимиз муқобил энергиянинг афзалликларини яхши тушуна бошлади. Ҳатто баъзи хонадон эгалари қуёш панелидан фойда ҳам кўрмоқда. Масалан, нукуслик Жақсимурат Артиқов ўз хонадонига 10 қуёшватт қуёш панелини ўрнатиб, ойига ўртача 1,5 миллион сўм даромад оляпти.

— Уйимизга 5 қуёшватт қуёш панелини ўрнатган эдик, — дейди Нукус шаҳри Жувозчи маҳалласида яшовчи Мамажон Ўрзоёева. — Ёзи билан ортиқча энергияни сотдик. Муҳими, уйимизда умуман, чироқ ўчмайди, айниқса, болаларимизга яхши бўлди.

Президентимизнинг 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларини жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон ҳудудий филиалига ҳозирлаган “Солиқ” мобил-иловаси орқали 13 минг 335 хонадондан ариза келиб тушган.

— Филиалимизга йўлланган ушбу аризалар ўз вақтида ўрганиб чиқилиб, 11 минг 599 та хонадоннинг 63,4 мегаватт қуёшватт қуёш панеллари учун ариза ва мурожаатлари тўлиқ қабул қилинди, — дейди филиалнинг қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобини юритиш бўлими бошлиғи Мадийер Смайлов. — Шу қунарга ҳусусий хўжаликлар 47,4 миллион қуёшватт-соат электр энергиясини тармоққа узатган. Бунинг учун 30,8 миллион сўм субсидия тўлаб берилди. Жумладан, қуёш панелидан фойдаланаётган бир хонадон март-октябр ойларида ўртача 400-500 минг сўм, ноябрь-февраль ойларида эса ўртача 100-200 минг сўм фойда кўрмоқда.

Шунингдек, 2370 та хўжалик юритувчи субъект 37,5 мегаватт қуёшватт қуёш

панеллари ўрнатган. Улар орқали тармоққа 13,2 миллион қуёшватт-соат электр энергияси етказиб берилди. Бунинг учун “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон ҳудудий филиали томонидан 10,6 миллиард сўм тўлаб берилган.

— 2024 йилда ойига ўртача 38-40 минг қуёшватт электр энергияси сотиб олган эдик. Утган йили 100 қуёшватт қуёш панелли ўрнатдик. Натижада умуман электр энергияси сотиб олмадик, — дейди “Сладкий мир Нуралли” масъулияти чекланган жамияти раиси Рисолат Балтаева. — Бу маблағни тежаш, бошқа турдаги эҳтиёжлар учун сарфлаш имконини бермоқда.

Энергетика хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, ресурсларни иқтисод қилиш ва замонавий қурилмаларни ўрнатиш орқали самарадорлигини ошириш бўйича ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Хусусан, 2025 йилда ҳар бир туман (шаҳар) кесимида ойма-ой жадвал ишлаб чиқилган. Унга кўра, 35,3 мегаватт қуёш панелли ва 28,4 минг литрли гелиоколлектор ўрнатиш ҳамда 54,4 миллион қуёшватт-соат электр энергияси ва 72,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш назарда тутилган.

Мазкур жадвал асосида қилинган ишлар натижасида 56,5 мегаватт қуёш панелли ва 66,7 минг литрли гелиоколлектор ўрнатилади. Шунингдек, 90,9 миллион қуёшватт-соат электр энергияси ва 79,2 миллион куб метр табиий газ тежалди.

Энергия самарадор қурилмаларни ўрнатиш борасида ҳам қатор ишлар бажарилди. Хусусан, 127 та реактив компенсатор қурилмаси, 28 минг 31 та тежамкор ҳақ уқунаси ўрнатилади. 30 та хонадон икки босқичли газ тизимига ўтказилди.

— Нукус шаҳри ва туманлардаги 24 та маҳаллада жами 9530 қуёшватт қуёшватт эга қуёш фотозлектр станцияларини қуриш белгиланган эди. Уларни қуриш учун зарур бўлган 24 та майдон — жами 12,6 гектар ер Энергетика вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Тимур Юсупов. — Қорақалпоғистонда қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларини жорий этиш бўйича 1321 та ижтимоий соҳа ва давлат ташкилотлари объектига 19,21 мегаватт қуёшватт, 2560 та тадбиркорлик субъектига 40,04 мегаватт қуёшватт тенг ва 9237 та хонадонга 43,86 мегаватт қуёшватт қуёш панеллари ўрнатилади.

Натижада 2025 йилда тикланувчи энергия манбаларидан жами 123,1 миллион қуёшватт-соат электр энергияси олинди. Муҳими, бугун аҳоли орасида муқобил энергия самарасини ҳис этиб, ундан фойдаланиш оммалашиб бормоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК — ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Ўзбекистонда кейинги йилларда ижтимоий, иқтисодий, экология, ҳудудий дахлсизлик, ташқи сиёсатда оқилона олиб борилган ҳамкорлик, саъй-ҳаракатлар натижасида жамиятнинг айрим соҳаларида тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ютуқларга эришилмоқда. Масалан, узoқ йиллар коррупция макони бўлган, кўплаб кекса инсонларнинг оворагарчилиги ва асаб бўзилишига олиб келган пенсияга қиқш жараёнини олиб кўрайлик. Илгари қорғозбозлик шунчалик кўп эдики, истаисизми-йўқми, шу идора ходимига ялинишга, зарур бўлса, нимадир ваъда қилишга мажбур бўлардингиз. Бугун эса ҳеч қаерга бормай, давлат хизмати ходимлари кўмагида ёшга доир пенсия расмийлаштириш механизми жорий этилди.

Яна бир ютуқ, мамлакатда гендер тенглик тўлиқ таъминланган. Ҳатто айрим соҳаларда хотин-қизларга берилаётган имкониятлар эркакларникидан кўпроқ. Бугунги кунда олий таълимнинг магистратура йўналишига ўқишга кирган хотин-қизлар тўлиқ давлат гранти асосида ўқиш имкониятига эга экани гапимиз исботидир. Бу каби ижтимоий ютуқларни наманам деган ривожланган давлатлар амалий тажрибасида ҳам қўзғатиш амри маълум.

Ўтган қисқа даврда мамлакат шу қадар ютуқларга эришяётганига қаноат қилмай, норозилик кайфиятида юрганлар ҳам бор, албатта. Улар айрим сегментларда ўз фикрларини билдириб туради. Гуруҳ курамсиз бўлмайди деганларидек, бунинг ҳам табиий ҳол деб қабул қилиш лозим. Нима ҳам дер эдик, уларнинг айтаётган сўзлари виждонига ҳавола.

Жамиятда инсон кадр-қиммати ва турмушдаги ўрнини янада жозибадор қилиш мақсадида 2025 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси қабул қилинган ва ижрога киритилди.

Концепция муқимам ишлаб чиқилган бўлиб, 7 та бoб, 41 та банддан иборат. Ҳар бир бoб ўзига ҳок йўналишларни қамраб олган. Ёнг асосийси, жамиятда диний конфессиялар ва давлатнинг ўрни ҳамда роли аниқ кўрсатиб ўтилган. Концепциянинг 6-бoби “Дунёвий давлатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва механизмлари” деб номланган бўлиб, унда 7 та йўналиш акс этган. Ушбу бoбининг иккинчи — иқтисодийни тартибга солиш йўналишида иқтисодий субъектларнинг молия ва банк хизматларига бўлган ишончнинг мустаҳкамлаш механизми ҳақида гап боради. Мазкур механизмнинг ҳаётга тўла жорий

этилиши концепциянинг қолган механизмлари ўз вақтида ва тўлиғича ижро этилишига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Таомилга биноан, иқтисодий субъектларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан, жисмоний шахслар — солиқ тўловчи жисмоний шахслар; нафақа ва пенсия олувчи фуқаролар; юридик шахслар — мулк шакли ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, ҳамкорлар олдиди молиявий, ҳуқуқий мажбуриятларини олиши билан бирга бирор тижорат банкида ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган хўжалик субъектлари ҳамда алоҳида мақомга эга бўлган давлат.

Жамиятнинг ривожланиши ва мўътадил бўлишида ушбу гуруҳларнинг ўзига хос ўрни бор ва таъсири ўта юқори. Бугунги кунда жисмоний шахсларнинг қарийб барчаси бир вақтнинг ўзида молия ва банк хизматларидан фойдаланади. Масалан, жисмоний шахслар молия хизматида икки кўринишда иштирок этади. Биринчиси, белгиланган меъёрий ҳужжатларга биноан даромад солиғи, мол-мулк солиғи, агар фонд бозорига иштирок этаётган бўлса, дивидендларни давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқлигича тўлашлари лозим. Иккинчиси, давлат бюджетни ва бюджетдан ташқари марказлашган жамғармалардан молиявий маблағларини иш ҳақи, пенсия ёки нафақа кўринишида олиши белгиланган.

Шунингдек, жисмоний шахсларнинг банк хизматлари билан боғлиқлик жиҳатлари ҳам ранг-баранг ва хилма-хил. Хусусан, улар ортиқча молиявий маблағларини тижорат банкларидан омонат сифатида жойлаштириш орқали кўшимча даромад олади. Бу билан, бир томондан, пулларини йиллик инфляциядан сақлаш имко-

Рўйхатга олиш жараёни яқунланган, маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш босқичи бошланади. Натижалар Европа статистиклар конференциясининг 2020 йилги тавсияларига мувофиқ умумлаштирилади. Пировардида мамлакатимиз аҳолисининг демографик таркиби, миграция жараёни, оилавий ҳолати, фаолият турлари ва даромад манбалари тўғрисида ягона маълумотлар базаси шаклланади. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш салмоғи, қорвачилик ва паррандачилик соҳасига оид кўрсаткичлар аниқланади.

Ингилган маълумотлар республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари очиш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда муҳим ахборот базаси бўлиб хизмат қилади.

Жараён ўтказиладиган мазкур давр аҳоли кам ҳаракатланадиган қиш фаслига тўғри келиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда қишлоқ хўжалигида мавсумий ишлар қамайиб, фермерлар ва деҳқонлар учун маълумотларни тақдим этиш вақти қулай бўлади. Мавсумий омиларни ҳисобга олиш, шунингдек, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланиш рўйхатга олиш жараёнининг аниқлиги ва тўлиқлигини таъминлайди. Масалан, қиш фаслида чорва молларининг сони ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳолатини аниқлаш осонроқ бўлиб, бу маълумотларнинг ишончлигини оширади.

Сўрвонамадаги 71 саволнинг 54 таси аҳолига, 17 таси қишлоқ хўжалигига оид. Жумладан, асосий демографик кўрсаткичлар, аҳолининг даромад манбаи, бандлиги ва таълим даражаси, турар жой хусусиятлари, айрим тоифалар, чет эл фуқаролари ҳамда қишлоқ хўжалиги бўйича саволлар ўрин олган. Шунингдек, тадбирни амалга ошириш ҳаражати оптималлаштирилиб, давлат бюджетни учун 1,5 триллион сўм иқтисод қилинади.

Ушбу тадбирни халқаро ташкилотлар ҳам юқори баҳоламоқда. БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ҳамда Осиё-оқват ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) экспертлари Ўзбекистоннинг аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича тайёргарлик ишлари ҳамда ушбу жараёнининг биргаликда ташкил этилишига ижобий ҳулоса билдирган. Ушбу халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлови рўйхатга олиш жараёнининг глобал стандартларга мувофиқлиги ва натижалари халқаро миқёсда эътироф этилишини кўрсатади.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш нафақат давлат органлари учун статистик маълумотлар йиғиш, балки бутун жамиятнинг фаровонлиги ва келажақ ривожланишини таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тадбир. Ушбу жараёнда олинган маълумотлар мамлакатимиз фуқароларининг яшаш сифати, фаровонлиги ва келажақ имкониятларига бевосита таъсир кўрсатади. Шу бoис, ҳар бир фуқароннинг фаол ва маъшулятчи иштироки ушбу тарихий жараёнининг муваффақиятини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

ниятига эга бўлса, иккинчидан, тижорат банкларидан маъиший техника ва ускуналар, уй-жойини кенгайтириш мақсадида ипотека кредитларидан, муддатига қайтариб бериш асосида максимал фойдаланади.

Жисмоний шахслар молия ва банк хизматларидан қандай фойдаланаётган бўлса, юридик шахслар ҳам шу асосда, лекин бир неча баробар катта ҳажмда фойдаланади. Бугунги кунда юридик шахсларни молия ва банк хизмати кўмағисиз тасаввур этиш мушкул.

Давлат ҳам алоҳида мақомга эга бўлган субъект сифатида молия ва банк хизматидан максимал фойдаланади. Масалан, халқаро молия институтларидан давлат қарзини олиш ва қайтаришда банк хизмати, шунингдек, турли халқаро ташкилотларга аъзо бўлишда аъзолик бадалларини тўлашда молия хизматига мурожаат этади.

Мабодо, молия ва банк муассасалари ходимларига ишонсизлик уйғонадиган бўлса, бир вақтнинг ўзида жисмоний ва юридик шахсларга, шунингдек, давлатнинг давр талабига мос равишда ривожланишига давр этади. Бу ҳолат молия ва банк хизмати ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Мана шундай ўзаро бир-бирига бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган вазиятларда салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юқорида тилга олинган концепцияда иқтисодий субъектларнинг молия ва банк хизматларидан ишончнинг янада мустаҳкамлаш механизми тўғри ва тиниқ белгиланган. Ушбу механизмнинг тўлиқ ва ўз вақтида ижросини таъминлаш учун иқтисодий субъектлари бугунги кун талабларига жавоб бериши лозим.

Бир сўз билан айтганда, ўзаро тушуниш, бир-бирига ҳурмат, хизмат этишасига тўла рия қилиш молия ва банк хизматларидан фойдаланишда ҳар бир иқтисодий субъектнинг маърифати ва маънавиятини белгилайди. Акс ҳолда, қозғошда кўзни қувонтаридиган натижаларга эришиш мумкин, аммо у алоҳида тасдиқ топмаслиғи, қилинган саъй-ҳаракатларнинг натижаси қўзланган мақсадга олиб бормаслиғи муқаррар.

Низомиддин ҲАЙДАРОВ,
иқтисодий фанлари доктори,
профессор



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Мамлакатимизда кейинги йилларда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодиёт ва sanoat, инфратузилма ҳамда транспорт, маданият, спорт соҳаларида кенг қамровли ислохотлар ўтказилмоқда. Натижада 2030 йилга қадар кўзда тутилган кўплаб мақсадларга 2026 йилнинг ўзидаёқ эришилади.



Бугуннинг гапи

МАДАНИЯТ СОҲАСИДА ҚАНДАЙ МАҚСАДЛАР НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА?



Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутаты

гирд аънасини тизимли йўлга қўйиш, илмий даража олиш учун моливий ва ташкилий қўлаб-қувватлаш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўришга замин ҳозирлади. Шунингдек, олий таълим муассасаларида илмий марказлар, лабораториялар, ижодий студиялар ташкил этиш, соҳага ихтисослашган илмий журналлар, нашр майдонларини ривожлантириш, электрон кутубхона ва базаларни яратишни назарда тутди. Бу эса хориждаги нуфузли олий таълим ва илмий муассасалар билан қўша дастурлар, халқаро илмий анжуманларни ташкил этиш борасидаги фаолиятни янада жадаллатиш имконини беради.

Хўжаат лойиҳасида республикадаги 13 та болалар мусиқа ва санъат мактабларини мусиқа анжуманлари билан таъминлаш даражасини 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланмоқда. Ҳозир юртимизда 325 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фаолият юритади. Уларда 6-16 ёшгача бўлган болаларга мусиқа, рақс, тасвирий ва амалий санъат қўйилди.



Ёш ижодкорларни қўлаб-қувватлашга қаратилган танловлар ўтказилиб, бахшичилик, мақом, лапти каби миллий санъат турлари халқаро миқёсда кенг тарғиб этилди. Шунингдек, халқаро маданий ҳамкорлик кенгайди. Ислохотлар натижасида 2025 йилда Ўзбекистонга келган сайёҳлар сони 10 миллиондан ошди. Ваҳоланки, бир неча йил олдин юртимизга келувчи сайёҳлар сони 1 миллионга етказиш ҳам катта вазифа эди.

Сайёҳлик салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар, инфратузилмани такомиллаштириш ва замонавий туризм объектиларини барпо этиш туфайли туристлар учун қулайлик ва хизматлар кўлами кенгайди. Бу эса Ўзбекистонни халқаро туризм харитасида янада машҳур ва жозибадор мамлакатга айлантирди.

Президентимиз парламент ва юртдошларимизга йўналган Мурожаатномасида қайд этилгандек, ўтган йилларда эришган улкан ютуқларимиз энди “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсад ва вазифаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Зеро, соҳаларда кузатилаётган юксалишлар энди олдимизда турган янги босқичдаги устувор йўналишлар ва амалиётни янада такомиллаштириш заруратини пайдо қилмоқда.

Янгиланаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида маданият ва санъат соҳасининг ривожланиши йўлида янада жиддий мақсадлар қўйилмоқда. Хусусан, маданият ва санъат тизимидаги олий таълим муассасаларида илмий даражали ва илмий унвонли кадрлар сонини 100 нафардан ошириш мақсад қилинмоқда.

Бундай вазифа маданият ва санъат йўналишларида мақсадли докторантура кво-талари сонини ошириш, ёш ўқитувчиларни илмий изланишларга жалб этиш, устоз-шо-

йўналишларида таълим берилмоқда. Ўтган йилларда мазкур соҳада моддий-техник базани янгиллаш ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш борасида салмоқли ишлар қилинди.

Стратегия билан белгиланаётган мақсад эса мактабларда таълим олаётган ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини, муносиқ билим ва машғулотлар сифатини ошириш, миллий ва халқаро стандартларга мос таълим кўрсатишга эришишга хизмат қилади. Халқаро даражадаги ҳар қандай нуфузли танловга тайёргарлик кўриш чоғида ёш ижодчилар юқори маҳорат талаб қилиниши билан бир қаторда қолгунинг ҳам сифатли бўлиши катта аҳамиятга эга.

Шунингдек, янгиланаётган стратегияда ҳар йили маданият соҳасидаги 5 та таълим муассасасининг хорижий турдош олий таълим муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ушбу ташаббус мамлакатимизда маданият ва санъат таълиминини халқаро стандартларга мослаштириш, ёш ижодкор ва талабаларнинг билими ҳамда малакасини оширишга хизмат қилади. Хорижий ҳамкорлик орқали талабалар ва педагоглар ўқитишнинг замонавий усул ва технологияларидан фойдаланиб, илмий ва ижодий тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади. Бундай ҳамкорлик маданият ва санъат соҳасида мамлакатимизнинг илмий тадқиқот, педагогик ва ижодий алоқаларини ривожлантириши, янги ўқув дастурлари ва лойиҳаларни жорий қилишга замин ҳозирлайди.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган маданият ва санъат муассасалари улушини 5,8 фоизга етказиш вазифаси белгиланмоқда. Маданият соҳасида давлат-хусусий шериклик мамлакатимиз учун нисбатан янги жараён. Сўнгги йилларда бу борада қатор ишлар қилинди. Бугун маданият ва санъат муассасаларини ривожлантиришга хусусий секторни жалб этиш долзарб вазифага айланди.

Хусусий сектор иштирокида ташкил этилган муассасалар орқали тадбиркорлар даромад олиши, ижтимоий мавқеини ошириши ва имижини мустаҳкамлаш ҳамда янги ҳамкорлик ва инвестиция имкониятларини қўлга киритиши мумкин. Бу ҳамкорлик тадбиркор учун нафақат манфаатли, балки мамлакат маданий соҳасини ривожлантириш ва ҳудудларда миллий санъатни асраш, тарғиб этишга хизмат қилади.

Лойиҳада режалаштирилаётган яна бир муҳим масала мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида креатив иқтисодиёт улушини 5 фоизга етказиш. Мазкур мақсад нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ва маданий соҳаларнинг тараққий этишига хизмат қилади. Бунда янги иш ўринлари, юқори қийматли маҳсулотлар ва экспорт салоҳиятининг орттиши мамлакатдаги иқтисодий ўсишни таъминлайди. Технология ва дизайн санъатида янги ижодий-технологик ечимларни ишлаб чиқиш соҳада инновацион ёндашув ва рақобатбардошликни юзага келтиради. Креатив иқтисодиётнинг улуши ошгани сайин миллий маданият ва брендинг ҳалқаро майдонга чиқишга имкон яратилади.

Қайта кўриб чиқилаётган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсад ва вазифалар маданият ва санъат соҳасидаги ислохотларни давом эттириш билан бирга миллий қадриятларни сақлаш, ижодий индустрияларни иқтисодий ривожланиш манбабга айлантириш, қолаверса, Учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйишда муҳим аҳамиятга молик. Бу мақсадлар юртимизда ижтимоий барқарорлик, кадрлар салоҳиятини ошириш ва умумий давлат стратегиясида маданиятнинг ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Нуқтаи назар



РАҚАМЛИ ЮРИДИК ТАЪЛИМ

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ Йўналиши

Юридик таълим экотизимини шакллантириш ижтимоий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан. Рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши юридик таълим ва амалиёти олдида янги талабларни қўймоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида алоҳида таъкидланганидек, энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида — касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур. Шунингдек, дуал таълим асосида даромад топиш ва ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналарга имтиёзлар бериш кўзда тутилган.

Рақамли юридик таълимдан асосий мақсад замонавий ва фидойи ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашдир. Шу боис, юридик клиника рақамли юридик таълим ҳамда амалиёт интеграциялашувидан гўя муҳим. Аънавий клиник фаолиятдан фарқли равишда рақамли юридик клиникалар орқали талабалар аҳолига онлайн ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, электрон мурожаатлар билан ишлаш, рақамли платформаларда ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш ҳамда масофавий ҳуқуқий ёрдам қўрсатиш имкониятига эга бўлади. Бу нафақат талабаларнинг амалий кўникмасини оширади, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, дуал таълим рақамли юридик таълимни самарали жорий этишда алоҳида



Шўҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
юридик фанлар доктори,
профессор

иштироки ва роли оширилади. Жиноят процессига “халқ вакиллари ҳайъати” институти босқичма-босқич жорий этилади. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган



аҳамиятга эга. Дуал юридик таълимнинг афзалликларини қатор омиллар асосида тавсифлаб бериш мумкин.

Биринчидан, олий юридик таълим муассасасида билим ва юридик амалий фаолият уйғунлаштирилади.

Иккинчидан, мукаммал касбий билимларни эгаллаган малакали юрист мутахассислар ва педагоглардан бир вақтда таълим олиш учун шaroит яратилади.

Учинчидан, ҳуқуқни қўловчи идора ва таъшилотнинг тажрибали мутахассисларини педагогик фаолиятга жалб этиш ҳамда интеграциялашган касбий алоқаларни шакллантириш, юридик фаолият соҳасига мослашиш учун шaroит вужудга келади.

Қолаверса, юридик соҳада дуал таълим рақамли судлар, электрон нотариат, онлайн адвокатлик хизматлари, онлайн медиация, онлайн ҳакамлик суди, онлайн халқаро тижорат арбитражи ва давлат органларининг ахборот тизимлари билан бевосита ишлаш орқали талабаларни реал юридик меҳнат бозорига тайёрлайди. Ижтимоий давлат нуқтаи назаридан қараганда, рақамли юридик таълимни юридик клиникалар ва дуал таълим билан интеграциялаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими самарадорлигини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш ҳамда малакали, рақамли ва касбий ваколатларга эга ҳуқуқшунослар корпусини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий ва ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муҳим қадамдир.

Мурожаатномада суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилиши, одил судлов жараёни “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этилиши, энди терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимояси кучайтирилиши алоҳида таъкидланди. Жорий йилдан тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда беқор қилиш ваколати берилиши айтилди. Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик

жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

Шунингдек, мажбурий ижро жараёнида самарали муқобил механизмлар қўлланади. Соҳага сунъий интеллект жорий этилиб, келгусу икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилсиз амалга оширилади. Мана шу омиллар замонавий юрист кадрларга эҳтиёжни оширади. Шу маънода, Президентимизнинг 2025 йил 26 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва илм-фани янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари йўлисида”ги фармонида “Таълим сифатини ошириш — янги Ўзбекистон тараққиётининг яқин ва узоқ йўлидир” деган устувор ғоя асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш, юридик таълим, илм-фан ва амалиёт боғлиқлигини таъминлаш асосий вазифалар сифатида белгиланган. Бунда таълим — тадқиқот — амалиёт интеграциясини йўлга қўйиш, бошқарувда академик-коллегиял ёндашувларни янада кенгайтириш истиқболда вазифалардан. Энг муҳими, юридик клиника ва дуал таълим самарадорлиги ҳамда сифати устидан назоратни кучайтириш талаб этилади. Фармондан келиб чиқиб, Тошкент давлат юридик университетида “Рақамли ҳуқуқ” (Digital Law) халқаро таълим йўналиши жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бунда, энг аввало, мазкур йўналишга ўқишга қабул қилиш танловли халқаро стандартларга мувофиқ ихтисослашган хорижий таъшилотлар билан ҳамкорликда IQ тест тартибиди ўтказилади. Танловда чет тиллар бўйича B2 даражадаги миллий ёки унга мос даражадаги халқаро сертификатга эга шахслар иштирок этиши белгиланган. Шунингдек, ўқув жараёни инглиз ва бошқа тилларда олиб борилиши ҳамда ўқув жараёнига етук хорижий профессор-ўқитувчилар жалб этилиши назарда тутилган.

Жаҳонда глобал рақамлашув жараёни жадал ривожланиши, ахборот-коммуникация технологияларининг таълим тизимига кенг

жорий этилиши ҳамда ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлашуви юридик таълимни тубдан трансформация қилиш заруратини юзага келтирмоқда. Бундай шарoитда юридик фаолиятининг асосий барча йўналишини рақамлаштириш ҳамда сунъий интеллектни оқилона ва хавфсиз таъбиқ этиш тақозо этилади. Талаб энг юқори бўлган йўналиш — рақамли ҳуқуқ соҳасидаги мутахассис, бошқача айтганда, АТ юрист мутахассислигидир. Ахборот технологиялари бўйича билимга эга бўлмаган юристлар АТ соҳасига оид ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ваколатлиликни таъминлашга эришиши жуда қийин. Ҳолбуки, янги замонавий рақамли ҳуқуқий технологик ихтисослик ҳуқуқшунос мутахассисларни малакали тайёрлаш ва амалий кўникмаларини ривожлантиришда креатив ёндашувни ишлаб чиқишни талаб қилади. Мураккаб жиҳати шундаки, АТ юристнинг шаклланиши кенг кўламли стандарт ва малака талаблари билан боғлиқликда ерқин намоён бўлади.

Рақамли трансформациялашув шарoитида ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи мутахассис бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг бир неча соҳаси бўйича касбий билим ва кўникмага эга бўлиши лозим. Рақамли технологияларни мукаммал эгаллаган юқори малакали, касбий маҳоратга эга юрист микозининг муаммоси ҳолатини жуда тез аңгалаб етади.

Фармонда назарда тутилган энг муҳим масалалардан бири Тошкент давлат юридик университетида тажриба тараққисига амалий ўқитиш ҳамда клиник ва дуал таълим тамойили асосида таълим олиш тизими жорий этилишидир. Бунда иккинчи, учинчи ва тўртинчи курс талабалари учун юридик таълим дастурларининг 50 фоизи (назарий қисмлари)ни аудиторияларда, 50 фоизи (амалиёт қисми)ни суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа юридик соҳага оид ташкилотларда ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Хорижий тажрибада дуал (амалиётта йўналтирилган) таълимни клиник юридик таълим билан (реал кейсларни ҳал қилиш орқали амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган) уйғунлаштириш кенг қўлланади. Бу ёндашув стажировкалар, юридик клиникалардаги амалиёт, симуляция машғулотлари ва менторлик асосидаги ўқитиш орқали малакали юристлар тайёрлашга хизмат қилади. Назария билан амалиётни интеграция қилиш касбий ваколатлилик ва ахлоқий стандартларни шакллантиради. Айниқса, бундай тажриба АҚШ ва Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Япония ва Канадада ҳам ўзинга хос тажриба шаклланган.

Дастлаб АҚШда шаклланган клиник таълимда талабаларга ўқитувчилар назоратида реал ўқув ва амалий ишлар билан шугулланиш имкони берилади. Юридик клиникалар орқали кам таъминланган аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади, амалий кўникмалар ривожлантирилади. Шунга монанд тарзда дуал тизим эса стажировкалар, юридик фирмаларда ўқиш ва ишлашни қамраб олади. Бу жараён талабаларни биттиргуча касбий муҳитга мослаштиради. Бундай амалиёт Буюк Британия ва Австралияда ҳам кенг қўлланади.

Хорижий давлатлар, хусусан, Германияда юриспруденция соҳасидаги дуал таълим тизими олий таълим муассасасидаги назарий ўқитишни корхоналарда (юридик фирмалар, давлат органлари) ҳақ тўланадиган амалиёт билан уйғунлаштирилади. Бу тизим 3-4 йиллик амалий тажрибага эга бўлган тайёр мутахассисни шакллантиради ва биттирувчиларга ишга дарҳол кириш имконини беради. Натижада талаба икки диплом ёки икки хил малакага эга бўлади. Ҳозир ушбу модель бошқа мамлакатларда ҳам жорий этиш учун фаол ўрганилмоқда. Асосий элементлари — талаба, олий таълим муассасаси ва иш бевуви ўртасидаги уч томонлама шартнома, доимий амалиёт ва меҳнатга ҳақ тўланиши бўлиб, бу академик тайёргарлик билан меҳнат бозорининг реал талаблари ўртасидаги тафовутни қамайтиради.

Амалдаги юридик клиника ва дуал таълим стандарти фақат айрим фанни назарда тутди. Бу эса касбий фаолият рақамлаштирилиши шарoитида мутлақо етарли эмас. Шундан келиб чиқиб, юристларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш аънавий методлар, усуллар ва воситаларни замонавий, рақамли технологиялардан самарали фойдаланишга асосланган ўқитиш усуллари билан уйғунлаштиришга таяниши лозим деган ҳулосага келиш мумкин. Рақамли экотизимни шакллантириш шарoитида бўлажак ҳуқуқшуносларнинг юридик клиника ва дуал таълимни уйғунлаштириш асосида касбий таълим олиш сифати ҳамда самарадорлигини ошириш малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашнинг муҳим шартидир.

2026 йил 15 январь, 9-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Санъат гарзалари

Таниқли мусаввир, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ўша пайтларда) ўқитувчиси Абдували Мўминов билан бир маҳаллада яшардик (ҳозир кўчиб кетган.) Болаликда майкачан юрган кезларимиз менинг ва анчагина тенгдошларимнинг суратини чизган ижодкор. Кейинчалик бу санъат асарлари рассомнинг шахсий кўргазмаларида ҳам намоиш этилган. Лекин гап бу ҳақда эмас.

НОЁБ МУЗЕЙДА АКС ЭТГАН МЎЪЖИЗА САВИЦКИЙ ИЖОДИНИНГ ЧИН ОШИҒИ

Хуллас, 2001 йили бўлса керак, хизмат сафари билан биринчи марта Қорақалпоғистонга бордим. Менга Нукус давлат университетига янги очилган журналистика факультети фаолияти билан танишиб, мақола ёзиш ва бўлгуси ҳаммаслар таълим олаётган маскан ҳамда таҳририятимиз ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаси юклатилганди. Муддат қисқа бўлгани боис, ишларни тез-тез битириб, Тошкентга қайтдим.

— Нукусга бордингми? — деб сўради кўчада мени тўхтатиб Абдували ака. Ўғли менинг тенгдошим, синфдошим. Ўшандан эшитган шекилли.

— Ҳа, топириқ бўлиб қолганди, кеча келдим.

— Музейга ҳам кирдингми, томоша қилдингми? — Бақт тигиз эди, ишларимга зўрга улгурдим. Қайси музей ҳақида сўрайсан? — дея англамай, саволига савол билан жавоб бердим.

— Нукусга бориб, Савицкий музейига кирмай қайтдингми? Аттанг, демек, Қорақалпоғистонга бормабсан ҳисоб...

— Нега ўз ишим қолиб, музейга киришм керак? Бораман десам, Тошкентда ҳам музей кўп-ку!

— Тўғри, рассом эмассан, аммо журналистсан, ижодкорсан. Кимлар атайин қаёқлардан келиб, у ердаги санъат дурдоналарини томоша қилиб кетади. Олти йил аввал институтдаги ҳаммас ва 2-3 шоғирдим билан борганман. Ҳозир ҳам кўнгил ўша тарафларга тортади. Яна бир борсам, суратларни бошқача нигоҳ билан кўрсам дейман, аммо имкон бўлмаяпти. Сенинг ўзинида ўз ҳисобимдан яна бир кун қолиб бўлса ҳам Савицкий музейига борган бўлардим. Яна йўлинг тушиб қолса, музейга, албатта, киргин.

Игорь Савицкий номини эшитган бўлсам-да, ҳаёти ва ижодидан етарли хабардор эмасдим. Абдували аканинг менга қарата “журналистсан, ижодкорсан” деган танбеҳи таъсир қилди, ҳар ҳолда бу ном билан қизиқа бошладим. Қачондир Нукусга борсам, музейга киришни дилимга тутдим. Аммо иккинчи марта ҳам насиб қилмади — музей таъмир учун ёпилган экан.

Сўнг 2010 йили обуна мавсуми баҳонасида яна Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туманларни кездим. Бу аслида Нукусга учинчи, аммо Абдували Мўминов таъбири билан айтганда, биринчи боришим бўлди. Чунки аввалги икки боришимда ҳам музейга кирмагандим. Музей остонасидан ҳатташим билан Абдували аканинг ўғлига кўнгирок қилдим. Бир-икки санъат ихлосмандлари менга бошқача қараб қўйди. Билдимки, бу ерда телефонда гаплашмиш одобдан эмас. Бир чеккага ўтиб, қўшнимга музейда эканимни паст овозда билдириб қўйдим. Абдували ака ҳаяжонланиб кетди, хурсанд бўлди. Келаётган ҳафта музейга ижодий сафар режалаштирилгани ҳақида тўқиниланиб гапирди.

“Қорақум ва Қизилқум оралиғидаги Лувр”, “Сахродаги дурдона” номлари билан дунёга машхур музейдаги асар ва экспонатлар билан танишиш асосида ҳаяжон ва тўқиниланиш энди менга кўчди. Игорь Савицкий нима учун дунёни ўз ижод оламига оҳанрабодек тортиб келгани сабабларини тафаккурим даражасида англагандек бўлдим.

У ҳақида одамлар билиши керак

Ижодкор ҳақида Ўзбекистон миллий энциклопедиясида бундай маълумот келтирилган: “Савицкий Игорь Витальевич (1915-4.8, Киев — 1984.27.7, Нукус) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат

арбоби (1964), Қорақалпоғистон халқ рассоми (1974). Москва рассомлик институтини тугатган (1946). Савицкий ижоди бадиий таъсир услубининг дадиллиги, бўёқ қатламнинг дадал ётқизиши билан ажралаб туради, оқши ранлар уйғунлигини афзал кўрган рассом асарларида жануб табиати, Қорақалпоғистон манзаралари ўзининг ёрқин аксини топган.

“Оқ қалъа. Умумий кўриниш” (1954); “Қорақумда”, “Чимбой оқиоми”, “Кегейли канали” (1956); “Қайрағочлар” (1959) ва бошқа санъат асарлари Ўзбекистон санъат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Қорақалпоғистон санъат музейида сақланади.

Рассомнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ташкил топган Қорақалпоғистон санъат музейига Савицкий номи берилган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат мукофоти лауреати (1983), “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланган (2002).”

Бир неча йил аввал Мариника Бабаназарованинг “Игорь Савицкий: рассом, коллектор, музей асосчиси” номли китоби кенг оммага тақдим қилинган эди. Унда қатагонга учраган ва отилган рассомларнинг минглаб асарларини Нукусдаги музей ертўласида яширинча сақлаган ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

Манабага кўра, асли асилзодалардан бўлган Игорь Савицкий Иккинчи жаҳон урушидан аввал Ўзбекистонга кўчиб келган ва ўз коллекторлик фаолиятини қорақалпоқ осори атиқаларини йиғишдан бошлаган. Сўнг Россия ва Ўзбекистонда совет тарғиботи ва совет реализмига тўғри келмайдиган авангард асарларни тўплашга киришган. Совет ҳукумати қора рўйхатига тушган ижодкорларнинг кўргазмаларини уюштирган.



Ўзи ҳам қатагонга учраган одамларнинг авлодига мансуб бўлган. Бобоси отилган, совет ташқи ишлар вазирлигида нуфузли лавозимда ишлаган тоғаси ҳам 1934 йилда қатагон қилинган.

Игорь Савицкий 1941 йили Москва тасвирий санъат институтига ўқишга қиради. Ўша йили бошланган уруш “ҳамма нарсаси фронт учун” деган давр даъватини юзгага келтирди. Бироқ соғлиғидаги муаммолар туфайли Игорь урушга жўнатилмади. У таҳсил олаётган институт 1942-1944 йиллари Самарқандга кўчирилди. Бу азим кендаги таҳсил даврида Савицкий юртимизнинг ўзига хос муҳитини, ўзгарувчан ва жозибали қуёши, табиатнинг бетакор ранглари кайиш қилди. Ўзи айтганидек, айнан шу ерда у ҳақиқий рассом сифатида шаклланди, қолаверса, Ўзбекистонда яшаш тарзи Савицкийни Шарқнинг мафтунига айлантирди.

1944 йили Москвага қайтган рассом ўқини давом эттираркан, ҳаммаша Самарқандга таппиниб яшайди. Чунки у Марказий Осиёнинг бетакор, бой маданий ёдгорликларига кўнгил қўйиб улгурганди. 1950 йилдан у Хоразм тарих ва этнография экспедицияси таркибида қатнаша бошлади ва бу Игорнинг ҳаётида ўзгариш ясади. Савицкий мусаввир сифатида археологларнинг қадимий Хоразм сарҳадларидан топган буюмларини чиши билан машғул бўларди. Ноёб топилмаларда у мозий сирлари яшириниб ётганини англаб, халқ амалий санъати намуналарини тўплаш билан мустақил шугуллана бошлади.

Дастлаб 1956 йили Қорақалпоғистон илмий-тадқиқот институти мажмуасида, кейинчалик тарихий ўлкашунослик музейида ишлаб, рассом сифатида қорақалпоқ халқи ҳаётини турфа рангларида тасвирлади, амалий санъат дурдоналарини тадқиқ қилиш, тўплаш билан шугулланди. Ана шу асарлар жойлаштирилдиган санъат музейини очиш ташаббуси билан чиқди. Таклифни Нукусдаги раҳбарлар мамнуният билан қабул қилди.

Рассом халқ амалий санъати дурдоналарини тўплаш ва ўрганиш учун Кегейли, Чимбой, Кўнгирот, Мўйнок, Тахтақўпир, Элликқалъа, Беруний, Тўртқўл туманларини, бутун Қорақалпоқ диёрини, Хоразм вилоятини кезиб чиқди. Сафар давомида тўплаган дурдоналарини эса Тошкент, Москва шаҳарларидаги кўргазмаларда намоиш қилиб, қорақалпоқ халқини жаҳонга танитиш йўлида фидокорона хизмат қилди.


— Савицкий ўзи тўплаган манбалар ҳақида 1965 йилда “Фан” нашриётида “Қорақалпоқ халқ амалий санъати: ёғоч ўймакорлиги” номли китобини нашр эттириб, бу борада яна бир янгиликка қўл уради, — дейди таниқли тарихчи, ўлкашунос Умид Бекмуҳаммад. — Шундан кейин Қорақалпоғистонда давлат санъат музейини очиш ҳаракати амалий

тус олиб, унга илк раҳбарлик Игорь Савицкий зиммасига тушди. 1966 йил 5 февралда ташкил қилинган музейда қисқа муддатда ҳассос рассом ва санъатшунос Савицкий бошчилигида тўплаган экспонатлар сони 50 мингдан ошиб кетди. Бу ҳақда хориж матбуотида ўша кезлари катта-катта мақолалар чоп этилди.

Савицкийнинг қадимги Хоразмга оид санъат асарларини тўплаш фаолияти туфайли қўлаб дурдоналар йўқолиб кетишининг олди олинид ва қорақалпоқ халқ амалий ҳамада тасвирий санъати ривожланиб, юқори босқичга чиқди. Нукусдаги музейда авангард, поставангард йўналишларга доир ноёб асарлар мажмуи тўплаган бўлиб, Москва, Киев каби катта шаҳарларда пол тагига, қазноқларга яширилган, уни чизган рассомлар эса қамок, сургунда азоб тортиб ётган пайтда шўро мафқураси инкор қилган эллик мингдан зиёд суратнинг Савицкий томонидан Нукусга келтирилганининг ўзи жасорат эди.

Айнан бир инсоннинг фидойилиги билан дунё санъатсеварларини ҳайратлантираётган ноёб асарлар сақланибгина қолмай, дунёга машхур музейга асос солинди. Нукус санъат музейининг афсонавий асосчиси ҳақида юзлаб мақолалар ёзилди, саноксиз интервьюлар, ҳужжатли фильмлар ва телерепортажлар тайёрланди. У раҳбарлик қилган музей жаҳон миқёсида катта шуҳрат қозонди.

Савицкийнинг ўша давр учун мутлақо янгича музей яратган нодир шахс бўлгани сабаби шунда эдики, у стандарт қоидалар ва қолипларни бир четга сурди, расмий идоралар тавсия қилган “кичик Третьяковка” моделдан воз кечди ва музейни ўз тушунчасига биноан яратди. Унинг келажакни олдиндан кўриш қobiliяти, янги номлар ва йўналишларни танлашдаги жасорати, музей ишининг



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



қолиплаган қоидаларидан воз кечиши — буларнинг барчаси самара берди. Савицкий Россия ва Тошкентдаги санъатшуносларга ҳам номаълум бўлган юзлаб рассомларни топиб, уларнинг меросини сақлаб қолди.

Абдували Мўминов ҳозир 80 ёшдан ошган. Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида ундан ҳол-аҳвол сўрагани келиб, ўғлига яна кўнгирок қилдим.

— Абдували аканинг соғлиғи яхшимми? — Ҳа, раҳмат, дуруст. Қувват, шижоат аввалгидек бўлмаса ҳам истак ва интилоб ўша-ўша. Яна Нукусга боришни мўлжаллаб турибмиз. Баҳор ойлари ота-бола бориб келсак керак.

— Балки мен ҳам бораман.

— Майли, бирга борсак, яхши бўларди.

— Насиб...

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Бир ҳудуд

Навоий вилояти Нурота тумани бўйлаб кезган киши бир-биридан кўркам иншоотлар, турар жой бинолари, аҳоли дам олиш масканларига дуч келади. Улар замонавий шахарсозликнинг ноёб усулларини кўз-кўз қилаётгандек.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда туман қиёфаси тубдан ўзгарди. Бунга “Чашма” мажмуаси мислида ҳам кўришимиз мумкин. Мажмуа ахлит, бетакор меъморий ансамблга айланди. У ерда қадим безаклар сақланган ҳолда замонавий уй-ғуналикда барпо этилган иншоотлар қад ростлади. Ўзига хос меъморий ечимга эга мажмуа сайёҳлар ҳайратига сабаб бўляпти.

Бир пайтлар фақат чорвачилик ва қишлоқ хўжалигига ихтисослашган Нуротада энди самот жадал ривожланмоқда. Олис қишлоқларда замонавий корхона, таълим ва тиббиёт муассасалари барпо этиляпти. Спорт ва маданий иншоотлари қад ростламоқда.

— Бундан 7-8 йил аввал туманимизда фақат мрамар маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик цехлар бор эди, холос, — дейди “Нуроний” жамғармаси Нурота тумани бўлими раиси Сунодиқ Қўлмонов. — Ўтган қисқа даврда ҳудудга инвестиция кириб келди. Натижада гранит ишлаб чиқарадиган йирик заводлар пайдо бўлди. Умуман, sanoatнинг қатор йўналишлари ривожланди, тадбиркорлар сафи кенгайди. Бу туман аҳолиси, айниқса, ёшлар бандлигини

таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида туманимиз ҳокими Нуротани ишизликдан холи ҳудудга айлантирамиз дея ваъда берган эди. Бу жараён босқичма-босқич тарзда амалга оширилляпти.

Айни вақтда Нуротада хорижий инвесторлар иштирокидаги юзга яқин корхона бор. Хусусан, 2025 йилда чет эл сармояси иштирокида 15 та янги корхона очилди. Охириги беш йилда туманга жалб этилган инвестициялар ҳажми 50 миллион доллардан ошиб, 2025 йилда қарийб 120 миллион долларни ташкил этди.

— Нурота фақат зиёрат маскани эмас, балки янги имкониятлар маконига айланмоқда, — дейди Нурота тумани ҳокими ўринбосари Акбар Саидов. — Туманда бир қанча инвестиция лойиҳалари амалга оширилляпти. Хусусан, 2025 йилнинг 10 ойида 13,1 миллион долларлик 20 та инвестиция лойиҳаси ишга тушди. Натижада 164 та янги иш ўрни яратилди. Яна 38 миллион долларлик 14 та инвестиция лойиҳаси йўлга қўйилди ва 273 та янги иш ўрни очирилиш кутилмоқда.



Шунингдек, хорижий инвестиция иштирокидаги 8 та лойиҳа доирасида 98 миллион доллар ўзлаштирилди.

Туманда 267 та sanoat корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 8 таси ўз маҳсулотларини экспорт қилипти. Бундан ташқари, гранит тош қазиб олиб, уларни пардозлаш заводини очиб ишларни якуний босқичга етди.

Нурота туманини 2025 йилда ижтимоий ривожлантириш дастурига асосан, 2 гектар ерда “Imperial granit” корхонаси ташкил этилганди. Корхона гранит тошларни қайта ишлашга ихтисослашган. Ҳозир бу ерда 30 дан зиёд ёш ишламоқда. Корхона маҳсулотлари Россия, Марказий

Осиё давлатларига экспорт қилиняпти. 2026 йилда корхона фаолиятини янада кенгайтириш режа қилинган.

Айни вақтда туманда яна бир йирик лойиҳа start олди. Яъни қуввати 300 МВт бўлган қуёш электр станцияси ва 150 МВт қувватли энергия сақлаш тизими қуриляпти. Лойиҳа Хитойнинг йирик компанияси томонидан бажариляпти.

— Бу Ўзбекистондаги ўн иккинчи йирик ишимиз ҳисобланади, — дейди хорижлик мутахассис Лин Ху. — Лойиҳа якунланган, Нуротада барқарор энергия таъминоти янада мустаҳкамланади. Бугун Ўзбекистонда инвесторлар учун катта имконият ва имтиёзлар бор.

Бу жиҳат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш билан бирга давлатлар ўртасидаги дўстона aloqalarни ҳам кенгайтиряпти.

Нуротада ёшларга сифатли таълим беришга aloхида эътибор берилляпти.

— Туманимизда 52 та мактаб ва 20 та давлат мактабгача таълим ташкилоти бор, — дейди Нурота тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Камола Шамиева. — Яқингача туманимизда болаларнинг мактабгача таълим қамрови 57 фоиз эди. Ҳозир бу кўрсаткич 75 фоизни ташкил қилмоқда. Бундан ташқари, янги болалар ҳам қуриляпти. Масалан, яқин орада яна 2 та болча фойдаланишга топириляди. Шу

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2026 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-146.
32015 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусахҳис: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 23:15 Топирилди — 23:55